

БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Бўриев Жамшид Парда ўғли

**Марказий банк Қашқадарё вилоят бош бошқармаси Кредит ташкилотларда
молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати бўлими
бошлиғи**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13788666>

Аннотация: Ушбу мақолада банкларнинг фонд бозоридаги иштирокининг назарий жиҳатлари таҳлил қилинади. Банкларнинг фонд бозорига кириши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ресурсларни диверсификация қилиш ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Мақолада банклар ва фонд бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, банкларнинг инвестор сифатида фонд бозори иштирокчиси бўлиши, шунингдек, фонд бозорида капитал жалб қилиш ва рискларни бошқариш усуллари кўриб чиқилади. Банклар фаолиятининг фонд бозоридаги ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу жараёндаги назарий ёндашувлар батафсил ўрганилади.

Калит сўзлар: Банклар, фонд бозори, молиявий барқарорлик, капитал бозори, инвестициялар, рискларни бошқариш, ресурсларни диверсификация қилиш, банк иштироки.

Тижорат банклари муҳим молиявий институт сифатида бўш пул маблағларини маълум шартлар асосида жалб қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, аҳоли даромадларини ошириш кабиларда муҳим аҳамият касб этиши аксариятимизга маълум. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолиятининг самарали ташкил этилганлиги юқори келтирилган жиҳатларнинг тўлиқ ишлаши муҳим ҳисобланади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки кўп томонламалиги бунга маълум даражада сабаб бўлмоқда. Яъни банклар бунда қимматли қоғозлар эмиссияси орқали капитал жалб қилиш, қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, воситачилик асосида бошқа эмитентлар қимматли қоғозларини жойлаштириш орқали фонд бозоридаги фаоллигини оширишга, молиявий ресурс ва даромадлар таркибини диверсификациялашга интилмоқда.

О.Лаврушин бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан «тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари ва РЕПО битимлари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти кабиларни атрофлича тадқиқ

қилинган»¹. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги воситачилик фаолияти эътибордан четда қолган.

«АҚШдаги банкларга акциялар ёки корпоратив облигациялар каби юқори рискли қимматли қоғозларга эгалик қилиш тақиқланади. Ҳазначилик қимматли қоғозлари эса уларнинг паст рискли ва юқори ликвидлилиги туфайли сотиб олиншига ҳеч қандай чекловлар йўқ»². АҚШда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ молиявий воситачилик фаолиятига ҳам рухсат берилмаган.

«Банклар ўзлари учун облигацияларни сотиб олиш билан бир қаторда кўпинча асосий инвесторлар бўлиши мумкин бўлган инвестиция ва пенсия фондларини бошқаришини ҳам учратишимиз мумкин. Агар банк облигацияларни чиқарадиган компанияга кредит ажратган бўлса, у облигацияларни баҳолашда ахборот устунлигига эга бўлиши мумкин. Лекин бу инсайдерлик маълумотларини сақлаш бўйича мажбуриятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Баъзи мамлакатларда андеррайтинг хизматлари банклар томонидан эмас, балки қимматли қоғозлар воситачилари томонидан кўрсатилишини таъкидлаш лозим»³.

Ш.Абдуллаева ва А.Омоновлар томонидан банклар чиқарган акцияларни иккиламчи фонд бозоридаги олди-сотди операциялари етарлича эмаслигига эътибор қаратилган⁴.

М.Султановнинг фикрича «... банклар қимматли қоғозлар бозорида аҳоли пул маблағларини жалб этишда пай инвестиция фондлари фаолият тури билан ҳам шуғулланиши мумкин. Пай инвестиция фондлари юридик шахс бўлмаганлиги сабабли тижорат банклари бир хил мақсад (хоҳиш)га эга омонатчилар (инвесторлар) маблағларини бир жой (фонд)га тўплаб, қимматли қоғозлар бозорида уларнинг инвестиция активларини бошқаришда ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолият юритиши мумкин»⁵. Ушбу жиҳатлар тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ш.Абдуллаева таъкидлашича «...банк фаолиятида хусусий ва акциядорлик мулк шакллариининг устуворлиги, қимматли қоғозлар бозорида замонавий ва ривожланган муассасаларнинг мавжудлиги, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини назорат қилувчи қонуний актлар ва тартибларининг мавжудлиги, тижорат банкларининг халқаро инвестицион фаолиятини юритиш амалиётида бўлган юқори сифатли қимматли қоғозлар муомаласининг амал қилиши, инвестиция фаолият соҳаси ва қимматли қоғозлар бозори учун мўлжалланган юқори малакали мутахассислар ва тадбиркорларнинг мавжудлиги, уларни тайёрлаш ва бошқалар»⁶.

¹ Банковское дело. Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. 13-е изд. – М.: «КНОРУС», 2020. – С. 477-498; 514-522.

² Frederic S. Mishkin and Stanley G. Eakins. Financial markets and institutions. Global edition. Pearson, 2018. – P. 290.

³ John Hawkins. Bond markets and banks in emerging economies. // Bank for International Settlements (BIC), vol. 11, 2002. P. 42-48, <https://econpapers.repec.org/bookchap/bisbisbpc/11-03.htm>

⁴ Abdullayeva Sh.Z., Omonov A.A. Tijorat banklari kapitali va uni boshqarish. – T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006–79b.

⁵ Султанов М.А. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш истиқболлари: Иқтисодийёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – 22 б.

⁶ Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. // Тошкент. «Молия», нашриёти, 2000 йил. – 229-230 б.

Х.Тиллаев тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятида инфляция даражасини инобатга олиш лозимлигига эътибор қаратган. Хусусан, «тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги эмитент, инвестор ёки воситачи сифатидаги иштирокига иқтисодиётдаги инфляция даражаси бевосита таъсир юкори булиб, банклар қимматли қоғозлар бозорида эмитент сифатида қатнашганида инфляция даражасини инобатга олиши лозим»⁷.

Х.Худойқулов «Ўзбекистон фонд бозорида бошқа тармоқдаги акциядорлик жамиятлари акцияларининг ликвидлилиги паст бўлганлиги сабабли тижорат банкларининг акцияларининг улуши юқорилигига эътибор қаратган»⁸.

Тижорат банклари фонд бозорида эмиссион фаолият, инвестиция фаолияти ва воситачилик фаолияти билан шуғулланишлари ҳамда капитал таркибини ва актив операциялар орқали даромадлар таркибини диверсификациялайди. Буни 1-жадвалда кўриш мумкин.

1-жадвал

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти йўналишлари⁹

№	Фаолият йўналиши	Фаолият воситаси	Фаолиятдан мақсад	Пировард натижа
1.	Эмиссион фаолият	Акция, Корпоратив облигация, Депозит сертификати Еврооблигация Халқаро акция	Устав капиталини шакллантириш ва ошириб бориш ҳамда қарз капитали жалб қилиш	Молиявий ресурслар билан таъминланади
2.	Воситачилик фаолияти	Андеррайтер Депозитарий Ишончли бошқарувчи Инвестицион маслаҳатчи Клиринг Дилер Брокер	Қўшимча фаолият йўналиши сифатида даромад манбасига эга бўлиш ва ўз қимматли қоғозларини жойлаштириш тажрибасини ошириш	Фонд бозори профессионал иштирокчиси сифатида даромадга эга бўлинади ва бозор таҳлили асосида ўз қимматли қоғозлари муомалага чиқарилади
3.	Инвестицион фаолият	Акциялар портфели Корпоратив облигациялар портфели Давлат қимматли қоғозлари	Актив операциялар орқали даромад олиш манбаларини диверсификациялаш	Кредитдан ташқари инвестицион фаолият бўйича даромадга эга бўлинади.

⁷ Тиллаев Х.С. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – Тошкент, 2020. – 26 б.

⁸ Худойқулов Х.Х. Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 23 б.

⁹ Муаллиф ишланмаси.

		портфели ва бошқалар		
--	--	-------------------------	--	--

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириш мақсадга мувофиқ, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти кенгайтирилиши зарур;

илғор мамлакатлар банкларининг фонд бозоридаги иштироки юзасидан хориж тажрибаларидан Республикада фойдаланиш зарур.

References:

1. Qodirov, Farrux. "Econometric modeling of medical services in the territories. *"International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT. 2022.*
2. Qodirov Farrux Ergash o'g'li. Econometric modeling of the development of medical services to the population of the region / Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 2022/5/9. 1.1 Economical sciences.
3. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасининг келгуси ҳолатини башоратлаш." *Сервис" илмий-амалий журнал* (2022): 56-59.
4. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "ECONOMETRIC MODELING OF THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES TO THE POPULATION OF THE REGION." *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities* 2.1.1 Economical sciences (2022).
5. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "CREATION OF ELECTRONIC MEDICAL BASE WITH THE HELP OF SOFTWARE PACKAGES FOR MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." *Conferencea* (2022): 128-130.
6. Ergash o'g'li, Qodirov Farrux. "IMPORTANCE OF KASH-HEALTH WEB PORTAL IN THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN THE REGIONS." *Conferencea* (2022): 80-83.
7. Қодиров, Ф. "ИЖТИМОЙ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ". ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти, 2022.
8. Қодиров, Ф. "ВИЛОЯТ АҲОЛИСИГА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИШ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖЛАНИШ МЕХАНИЗМИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ". Andijon Mashinasozlik Instituti, 2022.
9. Қодиров, Ф. "АҲОЛИГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИНГ КЕЛГУСИ ҲОЛАТИНИ БАШОРАТЛАШ". Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022.
10. Qodirov, F. "OPTIMUM SOLUTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SERVICES IN PRIVATE CLINICS". MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TECHNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI FILIALI, 2022.

11. Қодиров, Ф. “Қашқадарё вилояти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришнинг истиқболлари”. «O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI» âà «AGRO ILM», 2022.
12. Қодиров, Ф. “ЎУДУДУЛАРДА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ”. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 2022.
13. Qodirov, F. “Қашқадарё худуди аҳолисига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва уларга таъсир этувчи омиллар”. “O‘zbekiston Qishloq Va Suv xo‘jaligi” Jurnal, 2022.
14. ҚОДИРОВ, Ф. “Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделлаштиришни тизимли имитация қилиш”. ИЎТИСОДИЙ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОЙЛИК НАШР, 2022.
15. Qodirov, F. “QR-KOD TEXNOLOGIYASI ASOSIDA ELEKTRON KUTUBXONA TIZIMINI DASTURIY VA APPARAT TAMINOTINI YARATISH”. MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI QARSHI FILIALI, 2021.
16. Қодиров, Ф. “СОЗДАНИЕ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ И АППАРАТА ЭЛЕКТРОННОЙ БИБЛИОТЕЧНОЙ СИСТЕМЫ НА ОСНОВЕ QR-КОДОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ”. Kokand University, 2020.
17. Кодиров, Ф. “АНАЛИЗ БИОСИГНАЛОВ В ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИИ И МЕТОДЫ ИХ ОБРАБОТКИ”. МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2020.
18. Qodirov, F. “MASOFAVIY TA'LIMDA O'QISHNING QULAYLIK LARI VA KAMCHILIK LARI”. МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2020.
19. Қодиров, Ф. “ЗАМОНАВИЙ КОМПЬУТЕР УЙИНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНФЛАНИШИ”. МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2019.
20. Qodirov, F. “YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA MILLIY ONLAYN KITOV DO'KONINI ISHLAB CHI QISH VA TADBIQ ETISH”. МУЎАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ, 2019.